Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 149 (21. 248) 1992 йил 30 июль, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш, одамларимиз турмушини изчил яхшилаб бориш учун кўпмиллатли жамиятимизнинг ҳамжиҳатлигини янада кучайтириш, давлатимиз мустақиллиги йўлида бор куч ва имкониятларимиздан тўла-тўкис, оқилона фойдаланиш барчамизнинг долзарб вазифамиз

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 8-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади.

«Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

Биринчи қисмдаги «ССЖИ» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Модда қуйидаги мазмундаги IV қисм билан тўлдирилсин: «Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатининг ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан муддатидан илгари тўхталиши мумкин. Халқ депутати деган юксак номни обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат тузилиши асосларини қўпоришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг қонунга мувофиқ қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ғайриконституциявий хатти-ҳаракатларни содир этиши ёки бундай хатти-ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб чиқилиши учун асос бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тегишли қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлик одоби комиссияси ва инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль



ТУРКМАНИСТОН КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВНИ ХОТИРЛАЙДИ

● Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов қардош туркман халқининг ҳам севимли ва ардоқли ҳофизларидан ҳисобланарди.

Унинг қўшни, азалий биродар элга хизмати ҳам муносиб тақдирланиб, Туркманистон халқ артисти деган шарафли унвон билан мукофотланган эди. Шу боис атоқли қўшиқчи ва бастакор таваллудининг 75 йиллиги бу қардош ўлкада ҳам тантанаворлик билан нишонланди.

Бу муборак санага бағишланган тадбирлар Тошҳовуз вилоятида, айниқса, кўнгилли ўтди. Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг бир гуруҳ санъаткорлари вилоят марказида бўлишиб, икки кун давомида катта дастурда концертлар намойиш этишди. Устоз таваллудига бағишланган тантаналарда Комилжон Отаниёзовнинг истеъдодли шогирдларидан Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, «Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари Раҳматжон Қурбонов ва бошқалар иштирок этишиб, устоз қўшиқларини ижро этиш билан давраларга файз киритишди, машҳур ҳофиз ҳақидаги хотираларидан гапириб беришди.

Вилоятнинг Ўзбек тилида чоп этиладиган «Дўстлик байроғи» рўзномаси эса «Уч гулистон булбули» деб аталган умумий сарлавҳа остида Комилжон Отаниёзовнинг туркман халқи олдидаги хизматлари ҳамда ёрқин хотираси акс этган бир саҳифа материаллар эълон қилди. Устознинг тошҳовузлик шогирдларидан бири, Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамроқул Одилов эса шаҳар маданият ва истироҳат боғида элдошларига Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишлаб ош тортди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

29 июль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини ўтказиш юзасидан ташкилий-сиёсий тадбирлари тасдиқланди. Партия ташкилотлари Мустақиллик кунининг бир йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлашда фаол қатнашишлари, унга тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларда миллий истиқлолнинг инқилобий моҳияти ва тарихий аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришлари, республика раҳбариятининг мустақилликни ҳимоя этиш ва мустаҳкамлаш, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида олиб бораётган амалий ишлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб туришлари лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Аҳоли истиқомат жойларида ва меҳнат жамоаларида байрам шарафига тантанали кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари, ягона сиёсий кунлар ўтказиш маҳаллий партия ташкилотларига тавсия этилди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон ва республиканинг барча вилоятларида ижодкор зиёлиларнинг халқ ўртасидаги чиқишларини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди ва МК бўлимларига мутасадди идоралар билан биргаликда уларни уюштириш топширилди. Жумладан, Марказий Кенгашнинг Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар ўтказиш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят ташкилотининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисидаги партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, республика Президенти И. А. Каримов ва ҳукуматнинг шу соҳадаги сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича олиб бораётган ишлари хусусида вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Д. В. Тарасенко ахборот берди. Шу йил давомида шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган хайрия тадбирлари, тузилган меҳр-шафқат жамғармалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Президент фармонларининг бажарилишида маҳаллий ҳокимият идораларига яқиндан кўмаклашиш, иқтисодиёти ночор оилалар, ногиронлар ва қаровсиз кишиларга моддий ёрдам уюштиришда корхона ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик одамларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга партиямизнинг халқ ўртасида обрў-эътиборини оширмоқда. Тўпланган тажрибадан фойдаланиб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, фуқароларнинг куч-ғайратини халқимизнинг турмушини яхшилашга, республикамизнинг халқаро нуфузини оширишга қаратиш барча партия ташкилотларининг, ҳар бир партия аъзосининг бурчидир, деб таъкидланди қабул қилинган қарорда.

Сиёсий ижроия қўмита ХДП Дастурини бажаришда Фарғона шаҳар кенгашининг партия аъзолари бўлмиш халқ депутатлари ва шаҳар ҳокими билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги масала бўйича мазкур шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳ. Йўлдошев ва ХДП аъзоси, шаҳар ҳокими Ҳ. А. Мамажоновларнинг ахборотини тинглади ва муҳокама этди. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ!

● Ўзбекистонда мустақиллик куртак ёзиб, хорижий алоқалар кучайиб кетгани, хайрли битимлар тузилаётгани, ташкилий тадбирлар рўёбга чиқаётгани, янги кичик корхоналар кўпайиб бораётгани ғоят қувонарлидир.

Автомобилларга катта эҳтиёж сезилаётган бир пайтда Асака трактор прицеплари заводининг автомашиналар ишлаб чиқарадиган корхонага айлантирилаётгани катта воқеа бўлди. Мухбиримиз эндигина шаклланаётган ана шу корхона директори К. Соҳибжонов билан учрашиб, амалга оширилаётган дастлабки ишлар ҳақида, кўзда тутилган режалар хусусида сўзлаб беришни сўради.

— Шу йил июль ойининг бошида Президентимиз Ислом Каримов ҳамроҳлигида Жанубий Корея Республикасидаги «ДЭУ» корпорациясининг президенти доктор Ким У Жун ва корпорация бош вакили Ли Хи Ин заводимизга келган эди. Хорижий меҳмонлар корхонамизнинг 40 минг квадрат метрли ишлаб чиқариш майдонларини, ёрдамчи иншоотларни кўздан кечирдилар. 40 минг квадрат метр янги ишлаб чиқариш майдони қурилиши ҳам битиш арафасида турибди. 57 минг квадрат метр майдонда эса янгидан қурилиш ишлари бошланиши керак.

Умуман, заводимиз йилига 60 мингта прицеп ишлаб чиқаришга мўлжаллаб қурилаётган эди. Бир пиёла чой устида жаноб Ким У Жун бундай деди:

— Заводингиз катта имкониятга эга экан. Агар рози бўлсаларингиз, сизлар билан ҳамкорликда уни кичик ҳажмдаги енгил автомобиллар, енгил юк машиналари ва кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган корхонага айлантиришимиз мумкин.

Биз бу таклифга бажонидил қўшилдик. Ислом Абдуғаниевич меҳмоннинг фикрини қувватлаб деди:

— Асакада ишсизлар кўп. Заводни автомобиль ишлаб чиқаришга мослаштирсак, кўп кишилар иш билан таъминланади. Қолаверса, Андижоннинг шуҳрати дунёга ёйилади. Жаҳон бозорига йўл очилади. Бу — мустақил республикамиз ва Андижон вилояти учунгина эмас, балки корпорация учун ҳам ғоят фойдалидир.

Ким У Жун Ислом Абдуғаниевичга самимий миннатдорчилик билдирди. Сўнг заводимиз базасида йилига 60 минг дона кичик ҳажмдаги енгил автомобиль, 80 минг дона кичик автобус ҳамда 40 минг дона икки тонна юк кўтарадиган машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадбирлари ва ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида келишиб олинди.

«ДЭУ» корпорацияси жаҳонда машҳур, кўп мамлакатларда унинг филиаллари мавжуд бўлиб, уларда мингдан зиёд ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бир йиллик даромади 200 миллиард долларга тенгдир.

Вақтни бой бермасликка, ташкилий ва тадбирий ишларни жадаллик билан олиб боришга эътибор қилдик. Вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев бир гуруҳ мутахассислар билан Жанубий Кореяга бориб, корпорациянинг ишлари билан танишиб, ҳамкорлик режаларини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ҳужжатига қўл қўйиб келди.

Кўп ўтмай, корпорация вице-президенти Ли Кван Ки, бошқарувчи—директор Ванг Янг Нам бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар заводимизга ташриф буюрдилар. Корхонамиз ва ишчилар ҳаёти билан танишдилар. Сўнг менинг хонамда маслаҳат кенгаши ўтказдик. Меҳмонларга заводимизнинг имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапириб бердим, уларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтардим. Жаноб Ли Кван Ки суҳбат чоғида бундай деди:

— Андижонлик, асакалик ишчиларнинг меҳнатсеварлиги, ҳамкорлик қилишга мойиллиги бизга ёқди. Бундай серғайрат одамлар билан ишлаш мароқлидир. Қисқа вақт ичида лойиҳамиз амалга ошади, деган умиддаман.

«ДЭУ» корпорацияси биз билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун Ти Эч Ким бошлиқ икки мутахассисни заводимизда қолдирди.

Кореялик дўстларимиз шу йилнинг октябрь ойида қўшма корхонанинг лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаб келишади. Шундан кейин охирги битимга имзо чекилади. Битимда бу ерда ишлаш учун Кореядан қанча мутахассис келиши, автомобилларнинг қайси қисмлари келтирилиши, қайси қисмлари бу ерда тайёрланиши, шунга мўлжаллаб дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилиши қайд этилади. Иккала томон билан келишган ҳолда қўшма корхона ва автомобилларга номлар қўйилади. Корпорация президенти 1993 йилнинг охирида биринчи Корея — Асака автомобили ишлаб чиқарилади, деб ишонтирди.

Қўшма корхонанинг белгиланган муддатда иш бошлаши учун биринчи навбатда кадр тайёрлаш масаласини ҳал қилишимиз керак. Ҳозир ишлаб турган мутахассислар, ишчиларни иложи борича сақлаб қолиб, уларни автомобиль ишлаб чиқариш иқтисоди бўйича қайта тайёрлашимиз зарур. Олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ишлайдиган кишилар инглиз-корейс тилларини ҳам билишлари лозим. Шу тилларни биладиган кадрларни топиб, уларни тарбиялашимиз шарт.

Айни вақтда қали битмаган қурилишни тезроқ бошлашимиз керак. Лекин бунинг учун бизда маблағ йўқ. Республика жамғарма банки бу масалани шошилинч ҳал қилади, деган умиддамиз.

Ҳозир Кореядан заводимизда ишлаш учун келадиган мутахассисларни барча қулайликларга эга уй-жой билан таъминлаш, яхши иш шароити яратиш тўғрисида ўйлаяпмиз.

Суҳбатдош
А. ҚУРОНБОЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН:

● Ҳа, директорнинг гаплари мулоҳаза уйғотади. Дарҳақиқат, мустақиллик халқ хўжалиги турли тармоқларида куртакламоқда. Куртаклар гулга кириб, мева беришига ишонч ортмоқда. Асрлар давомида хом ашё ўлкаси бўлиб келган Ўзбекистонда мустақиллик туфайли саноатнинг янги тармоғи — автомобилсозлик туғилаётгани бунинг ёрқин мисоли эмасми?

Табиийки, бу — ҳаяжонли воқеа! Мустақил Ўзбекистонда чиқариладиган илк автомобилга қандай ном бериш маъқул? У «Асака» номи билан чиққани маъқулми ё Сиз, кўп минг сонли муштарийлар бошқача мулоҳазадасизми? Шу ҳақдаги истак-таклифларингизни кутамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ БЎЛИМИ.

ПОЛЬШАГА МАРМАР ПЛИТАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

● Навбаҳор районидаги мармар цехи жамоаси хориждан буюртма олишни бошлаб юборди.

Бу ерда иш бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо цех шуҳрати ҳорижий мамлакатларга етиб борди. Аввалига сайқалланган мармар плиталарга Россиянинг бир қатор шаҳарларидан буюртмалар тушиб турди. Энди эса Польша давлатидан ҳам бу маҳсулотга талабгорлар топилиб қолди. Ҳозир мазкур мамлакатнинг «Дара-Самара» фирмаси билан қатъий шартнома тузилган. Навбаҳорлик мармар кесувчилар шу йилнинг ўзидаёқ польшаликларга 9 миллион сўмлик мармар плиталар етказиб беришади.

М. ШАРОПОВ.

ЖИПСЛИК ҚЎРИГИ

● Бекобод районида 1600 нафардан зиёд ХДП аъзоларини бирлаштирган 37 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий турмушнинг аксарият масалаларида маҳаллий ҳокимиятнинг яқин кўмакчиси бўлиб майдонга чиқаётирлар.

Ўзбекистон ХДП район кенгаши биринчи котиби З. Қодировнинг партия билетларини топширишга бағишланган йиғилишда берган ахборотида ана шулар алоҳида таъкидланди. Партия ҳужжатларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов топширди.

— Ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда партия аъзоларининг энг муҳим вазифаларидан бири, — деди у. — Республика ҳукуматининг сиёсатини амалга оширишга, ўз иш жойларида самарали меҳнатлари билан бошқаларни ўз ортларидан эргаштиришга, янги авлодни ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга энг кўп ҳисса қўшишдан иборатдир. Ана шундагина партиямиз энг кучли ташкилотга айланади.

Биринчи бўлиб партия ҳужжатини олган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Норқул ота Жовоқов бугунги тадбир ХДП аъзоларини янада жипслаштиришга хизмат қилажагини таъкидлади. Шу куни 80 нафар партия аъзосига янги ҳужжатлар топширилди.

Маросимда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов, Бекобод район ҳокими М. Расулов иштирок этдилар.

М. АБДУНАБИЕВ.

ОБУНАЧИ — ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲ

Бу — кейинги кунларда одат тусига кириб қолди. Редакцияга ташриф буюрадиган ёки телефон орқали мурожаат этадиганларнинг саволи асосан битта:

— Нега газета ва журналлар сотиладиган дўконларда «Ўзбекистон овози» йўқ?

— Қоғоз тақчил.

— Яқин орада севимли газетамиз яна чакана савдога чиқармикин?

— Ҳозирча айтиш қийин. Яхшиси, 12 августгача обуна бўлсангиз 1 сентябрдан яна бемалол «Ўзбекистон овози»ни олиб ўқийверасиз.

ОБУНА НАРХИ: бир ойга 33, уч ойга — 99, йил охиригача эса — 132 сўм.

Тўғри, бу — баъзиларга қиммат туюлиши мумкин. Лекин у ўз ҳаётини газетасиз тасаввур этолмайдиган, дунёдаги ва республикадаги энг қизиқарли янгиликлар, долзарб муаммолар, илғор тажрибалар, бадиий юксак асарлардан намуналар билан фақат «Ўзбекистон овози» орқалигина танишишга ўрганган кишиларга унчалик оғирлик қилмаслигига имонимиз комил.

Сизларни алоқа бўлимларида кутишинти, азиз муштарийлар!

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Касаба уюшмалари.

Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

2-модда. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Меҳнаткашлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган шахслар× ҳеч қандай тафовутсиз ўз хоҳишларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқига, шунингдек уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнаткашлар корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида×× касаба уюшмалари тузишга ҳақлидирлар.

Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзолигига кириш ёки ундан чиқиш тартиби касаба уюшмаларининг уставлари билан йўлга солиб борилади.

Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика ва бошқа ҳудудий ҳамда тармоқ бирлашмалари тузишлари, шунингдек уларга киришлари мумкин.

Касаба уюшмаларининг уставлари «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Барча касаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

3-модда. Касаба уюшмаларининг мустақиллиги

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, қурултойлар ўтказадилар.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Фуқароларни касаба уюшмаларига мансублигига қараб камситишни тақиқлаш

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига бирон бир тарзда камситилишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, хизмат поғоналарига кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян касаба уюшмасига мансубликни, унга кириш ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади.

5-модда. Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш ёки тақиқлаш

Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

6-модда. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар

Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида, ички ишлар идораларида, миллий хавфсизлик хизматларида, ички қўшинлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари ана шу тузилмалар тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилади.

Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

×Бундан буён — меҳнаткашлар деб юритилади.

××Мулкчилик ва хўжалик юритиш шакларидан қатъий назар, корхоналар, (бирлашмалар) муассасалар, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар техника билим юртлари бундан буён корхоналар деб уларнинг бошқарув идоралари эса маъмурият деб юритилади. Бошқа иш жойлари деганда якка тартибдаги ва бошқа йўсиндаги меҳнат фаолияти назарда тутилади.

II БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

7-модда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқлари

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.

Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.

8-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан холи этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини таклиф этадилар.

Маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳволини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради.

Меҳнат шартномаси маъмуриятнинг ташаббуси билан бекор қилинишига Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина йўл қўйилади.

9-модда. Касаба уюшмаларининг музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимлари тузиш ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устивор ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими тузишни таклиф қилса, маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.

10-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари

Касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитига, уларни ижтимоий суғуртага, уларни соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар.

Касаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва хўжалик идоралари билан битим тузиши мумкин.

11-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидир. Маъмурият меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ой муддат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин.

12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади.

Касаба уюшмалари меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларни ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашади.

13-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари маъмуриятдан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидир.

14-модда. Касаба уюшмаларининг маъмурият томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқи

Маъмурият жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда касаба уюшмалари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритишга ҳақлидир, бу тақдимнома бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади. Маъмурият касаба уюшмаларининг бу талабини бажаришдан бош тортган ёки юқорида айтилган муддатда ўзаро битимга келишилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

15-модда. Маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасидаги низоларни қараб чиқиш ва ҳал этиш

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда маъмурият билан меҳнат жамоаси ёки касаба уюшмалари ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига тўла мувофиқ ҳолда қараб чиқилади.

16-модда. Касаба уюшмаларининг давлатлараро битимлар тузилиши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идоралари шакллантирилишидаги иштироки

Касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аҳолининг кўчиб юриши, иш билан таъминланиши, меҳнат, нарх-наво белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига доир давлатлараро битимлар тузилишида, халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишда, сайлов мавсумида уларни қўллаб-қувватлашда иштирок этишлари мумкин.

III БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

17-модда Маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг касаба уюшмаларига нисбатан мажбуриятлари

Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт. Бу идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликлари учун қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга уставда белгиланган вазифаларни ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

18-модда. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари идораларига сайланган ходимлар учун берилиадиган кафолатлар

Қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмалари идораларининг таркибига сайланган ходимлар шу идоранинг розилиги олинмасдан туриб;

корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раҳбарлари — тегишли касаба уюшмаси идорасининг розилиги олинмасдан туриб;

корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотчилари — тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси идоралари таркибига сайланган шахсларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси идорасининг розилиги олинганидан кейингина, корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раислари ва аъзоларини маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатишга эса юқоридагилардан ташқари, фақат тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинганидан кейингина йўл қўйилади.

Касаба уюшмаси ташкилотчилари ва касаба уюшмаси гуруҳлари ташкилотчиларини маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга тегишли касаба уюшмаси бирлашмаси идорасининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари сайлаб қўйиладиган идораларининг ишлаб чиқаришда ўзининг асосий ишидан озод қилинмаган аъзоларига жамоат шартномаси, битимида белгилаб қўйиладиган шартларга мувофиқ, жамоа манфаатлари йўлида жамоатчилик вазифаларини бажаришлари учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан бўш вақт берилади, шунингдек қисқа муддатли касаба уюшмаси ўқувига қатнашган вақтларида уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган идоралари аъзолари делегат сифатида касаба уюшмалари томонидан чақириладиган қурултойларда, конференцияларда, шунингдек, касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида қатнашган вақтлари ишида қатнашган ходимларга сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги ўз иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ўша корхонада ёки ходимнинг розилиги билан бошқа корхонада аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда олдинги иш жойидаги корхона маъмурияти, корхона тугатилган тақдирда эса касаба уюшмаси ходим учун ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолади, лекин бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак, малакасини ўзгартириш учун ўқиш чоғида эса бир йил муддатгача ўртача иш ҳақи сақлаб турилади.

20-модда. Касаба уюшмаси идораларига сайланган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари

Касаба уюшмаси идоралари таркибига сайланган ходимларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг икки йил давомида маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиши ёки ходимнинг қонунга мувофиқ ишдан бўшатилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳоллари бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ишдан бўшатиш 18-мoдданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Касаба уюшмалари ва уларга қарашли корхоналарнинг мулкий ва молиявий ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ва уларнинг идоралари қонунларга мувофиқ юридик шахс ҳисобланадилар.

Касаба уюшмалари мулкка эгалик ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулк ва пулларга эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Касаба уюшмалари давлат, хўжалик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар.

Касаба уюшмаси бюджети маблағининг манбалари, маблағни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби касаба уюшмалари уставида белгилаб берилади.

Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларнинг ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Касаба уюшмаларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағ миқдори ва тўлаган солиқ миқдори давлат молия идоралари ва солиқ инспекциялари томонидан қонунларга мувофиқ равишда назорат қилинади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида қайд этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда белгилаб қўйилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, касаба уюшмаларининг банкларини, суғурта ва акционерлик жамиятларини, қўшма тижорат корхоналарини барпо этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли фондлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

22-модда. Корхонанинг касаба уюшмалари фаолияти учун моддий шароитлар яратиш борасидаги вазифалари

Корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун зарур бўлган жиҳозланган биноларни фойдаланиш учун текинга беради, биноларни бериш шартлари маъмурият ва касаба уюшмалари иштирокида меҳнат жамоасининг қарори билан белгиланади.

Жамоа шартномаси тузиш чоғида қабул қилинган қарорга мувофиқ корхона касаба уюшмаларига ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларини бепул фойдаланиш учун беради.

Корхона касаба уюшмаларига жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар учун қонунларда белгилаб қўйилган миқдорда маблағ ўтказади.

Корхонада иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шароитларни яратиш жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларини «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, концернлари ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига мазкур Қарорнинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган топшириқлар бажарилишида иштирок этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Республикамизга хорижий эллардан кўплаб мутахассислар келиб астойдил ёрдам беришаётир. Буни Пахтакор районидаги тажриба ремонт-механика заводи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Улар хитойлик шериклари билан 16 тонна юк кўтарадиган кран ишлаб чиқаришяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Хитойлик Люцян Лю, Жзян Бин ва ҳамюртимиз электрик Абдураим Маркаевлар иш устида.

2. Шофиркон районидаги Қ. Муртазоев номли давлат хўжалигининг механизатори Избосар Каримовни кўриб турибсиз. У чорва озуқаси тайёрлашда пешқадамлик қилаётир.

3. Моҳира Ғафурова тасвирланган. У Самарқанд шойи тўқиш бирлашмасининг тайёрлов-ўроов цехида меҳнат қилади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ, К. КАРИМОВ ва Ғ. АЛИЕВлар суратга олган.

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

Ота-она учун фарзандини узоқ сафарга кузатиш, бағридан сал нарига бўлсин чиқариш жуда мушкул. Шу боисдан Республика Ўқитувчилар уйига тўпланган ота-оналар ҳаяжонини тушуниш қийин эмас эди. Ҳаммаси ортда қолди. Тошкент шаҳри ва жумҳуриятимиз вилоятларидаги ҳунартехника билим юртларида ўтказилган тест-синовлари тугади. Интизомли, билимли талабалар танлаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги ўртасида тузилган шартномага мувофиқ икки минг талаба қондош-жондош турк элига ўқишга юборилянти. Шулардан дастлаб 225 нафарини кузатиш маросими бўлди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев йиғилишни очиб, юртимизнинг бу — биринчи «қалдирғочлари»ни синовлардан муваффақиятли ўтганлари билан қутлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда шу ёшларнинг билим, тажрибаси келажакда асқотишини таъкидлади. Тошкентлик, навоийлик, андижонлик, қорақалпоғистонлик ота-оналар номидан сўзга чиққанлар ҳозирги қийин иқтисодий танглиққа қарамай республика Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган бу тадбирлар келгусида албатта, ўз мевасини беражагига ва фарзандларимиз халқимиз ишончини оқлашига умид билдиришди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев — ёшларга энг яхши эзгу тилакларини билдирди.

Кеча эрта тонгда катта тантана, карнай-сурнайлар садоси остида мустақил Ўзбекистоннинг «қалдирғочлари» Туркияга парвоз қилишди. Ой бориб, омон қайтинг, укажонлар.

Умида ФАИЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ҚУТЛАЙДИ

Истеъдодли шоир ва ёзувчи, таниқли журналист Абдусаид Кўчимов Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

А. Кўчимов 1951 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳини битирган. «Тонг юлдузи» (собиқ «Ленин учқуни») газетасида, «Шарқ юлдузи» журналида, жумҳурият Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси девонида хизмат қилган. У Ўзбекистон Республикаси халқ депутатидир.

«Ўзбекистон овози» газетаси редакцияси жамоаси ҳамкасбимиз А. Кўчимовга янги лавозимда ижодий муваффақиятлар тилар экан, у радиоэшиттиришларнинг янада мазмундор бўлишини таъминлашда куч-ғайратини аямайди, деб умид қилади.

● **Ҳар бир шахс — ўзи яшаган даврнинг маҳсули. У қандай ақл-идрок, иродага эга бўлмасин тарихий даврда мавжуд бўлган шароит ва имкониятлар доирасидан чиқиб кетолмайди. Бинобарин, ҳар бир тарихий шахсга, оддий одамларга баҳо берар эканмиз, биринчи навбатда улар яшаган, улғайган, фаолият кўрсатган тарихий шароит ва вазиятни мукаммал билмоғимиз зарур.**

АКС-САДО

ХИЁНАТ БОР ЖОЙДА ДИЁНАТ ЙЎҚ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», «ХИЁНАТ», ШУ ЙИЛ 22 ИЮЛЬ

ИНСОН ҳуқуқлари чекланган, демократия ва ошкоралик қуруқ сиёсий шиорга айланган, шахснинг манфаатдорлиги, имконияти ва интилишлари поймол этилган, фаолияти қатъий чегараланган, ғоявий кишанлар билан боғлаб қўйилган маъмурий-буйруқбозлик тизуми даврида кишиларнинг мавжуд тартиб ва имкониятларга қарамлик ҳолати ниҳоятда кучайиб кетган эди. Ўша пайтларда одамлар давр вазияти ва тақозоси билан ўз қобиғига ўралиб бошқаларга дилидагини эмас, тилидагини айтадиган бўлиб қолгандилар. Виждон ва имон ҳам сохта муносабатлар соясида қолиб кетди. Бундай ҳолат бир томондан давр маҳсули бўлса, иккинчи томондан, мудҳиш ижтимоий шакл ҳам эди.

Одамлар ўз виждони амрига, мақсад ва эътиқодига қарши бўлса ҳам сиёсат белгилаган йўлдан кўз юмиб боришга одатландилар. Бу йўлдан бориб турли «измлар», «миллатчилик», «пантуркизм», «Хидиралиевчилик», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик», «Икромовчилик», «Файзулла Хўжаевчилик» сингари сунъий оқимларни тўқиб чиқариб миллий қадриятларимиз, минглаб миллий зиёлиларимиз йўқ қилинди, тарихимиз сохталаштирилди. Аммо етук миллий кадрларга қирон келтириш сиёсати юқоридан белгиланган бўлса ҳам Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларни турли бўҳтон ва айбномалар билан жиноятчилар курсисига ўтқазганлар, уларни жазолаш учун фотиҳа берганлар аслида ўзимизникилар эмасмиди? Миллий ғурур миллатпарварлик, сиёсий найрангбозлик ва сотқинлик соясида қолиб кетди.

Сотқинлар ва миллатфурушлари кўп бўлган халқнинг косаси ҳеч қачон оқармайди!

Ҳозир ҳам 74 йил давомида шаклланган ва мустаҳкамланган руҳий қуллик, итоатқорлик ҳолатидан тўла қутила олганимиз йўқ. Сиёсий, мафкуравий исканжалар таъсири остида тўғри йўлни топа олмаслик, бирор шахсга, тарихий воқеаларга баҳо беришда бирёқламаликка йўл қўйиш одати қон-қонимизга сингиб кетганга ўхшайди. Агар бу одат ҳасадгўйлик, гинахонлик, тарафкашлик, маҳаллийчилик, миллатфурушлик, мансабпарастлик билан боғланиб кетса, ниҳоятда даҳшатли офатга, адолатсизликка айланади.

Бу адолатсизлик ўзбек халқининг севикли йўлбошчиси, доно, камтар раҳбари Шароф Рашидовга нисбатан бўлган муносабатда ҳам яққол кўринди.

Ш. Рашидовнинг ниҳоятда мураккаб шароитда Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун қандай улуғ, тарихий ишлар қилгани ҳаммамизга аён. Буни бутун халқ биларди. Унга нисбатан 1984—1989 йилларда уюштирилган туҳмат ва бўҳтон кампанияси асосан Марказдан ташкил этилган эди. Бу — эндигина ўзлигини таниб бошлаган ўзбек миллатига нисбатан уюштирилган қатағонлик сиёсатининг таркибий қисми бўлди. Ажабланарлиси шундаки, унинг тарбиясини олган, ёрдами ва қўллаб-қувватлаши сабабли катта-катта лавозимларга эришган кишилар ҳам Ш. Рашидовга қарши туҳмат кампаниясини кучайтиришда фаол иштирок этдилар. Иймон, виждон, инсофга бутунлай зид бўлган бу ҳаракат асосан мансабпарастлик, шахсий худбинлик, миллатфурушлик билан боғланган эди.

Бу давр миллатимиз учун, ҳаммамиз учун жиддий имтиҳон йиллари бўлди. Ўша пайтларда кимнинг ким эканлиги, бирор мансабга эришиш учун миллатинигина эмас, ҳатто ота-онасини сотиб юборишга ҳам тайёр кишилар бор экани ҳаммага аён бўлиб қолди.

Бу борада Рафиқ Нишоновнинг тутган йўли мени ниҳоятда ҳайратга солди.

Оддий колхозчининг фарзанди бўлиб қийин шароитда ўсган, ўз фаолиятини табелчиликдан бошлаб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети котиби, Совет Иттифоқининг бир неча хорижий мамлакатлардаги элчиси даражасигача кўтарилган бу шахснинг камолотида Шароф Рашидовнинг қанчалик катта ҳиссаси бўлганини кўпчилик яхши биларди. Р. Нишонов Октябрь райони, Тошкент шаҳри партия комитети биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг идеология бўйича котиби бўлиб ишлаган даврида ҳам Ш. Рашидов унга беҳад оталиқ ёрдамлари берган, қўллаб-қувватлаган эди. У ўша йилларда Ш. Рашидовнинг етук раҳбар эканлигини оғиздан қўймай қайта-қайта таъкидларди. Буни Р. Нишоновнинг ёзган мақолалари, сўзлаган нутқларидан яққол кўриш мумкин.

Шароф Рашидовнинг Р. Нишоновга бўлган ҳурмати ва ишончини мен ҳам яхши биламан. 1965 йил бошида докторлик диссертациям ҳимояга тавсия этилган бўлсада бир неча йил мобайнида турли хил тўсиқларга учраб ҳимоя қилиш кечикиб кетмоқда эди. Шунда мени Ш. Рашидов чақириб вазиятни сўради ва «Сиз бориб автореферати яхшилаб тайёрланг. Мен Рафиқ Нишоновга бу ишни тайинлайман. У ҳалол, одил раҳбар. Сизга тезда ёрдам беради» деди. Шундан кейин икки ой ўтгач докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим.

Ш. Рашидовга туҳмат қилиш учун ҳаракат бошланганда Нишоновнинг марказдан келган қатағончилар қанотига кириб олиб ўз устозини бадном қилишга тили боргани кўпчилик қатори мени ҳам ҳайратга солди. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш мусулмончиликнинггина эмас, балки оддий инсонийликнинг қоидаси ҳам эканлигини унутди. Марказ кўрсатмаси, десантчилар ва маҳаллий миллатфурушлар ташаббуси билан Шароф Рашидов номига таъна тошларини отиш, уни бутунлай бадном қилиш учун бўлган ҳаракатлар ғоят кучайиб кетган бир даврда Р. Нишонов «Шароф Рашидовчилик» деган, бошдан оёқ бўҳтондан иборат тушунчани «кашф» этди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси сифатида В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллиги муносабати билан бўлган йиғилишда мана шу тушунча ҳақида шундай деган эди: «Шароф Рашидовчилик» фитначилик ва таҳқирлашнинг, мунофиқлик ва иккиюзламачиликнинг, виждонсизлик ва пора беришнинг, маҳмадоначилик ва мақтанчоқликнинг синоними бўлиб қолди».

Бу ўринда «Рашидовчилик» тушунчаси турғунлик даври, маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумнинг барча иллатларини ўзида мужассамлаштирган ғоявий-сиёсий оқим сифатида тасвирланган. Бу баҳонинг ўзи ҳам фитначилик, мунофиқлик, иккиюзламачилик, марказдагиларнинг қўлига қўниб олиб тўтиқушдек сайраш, ҳаёт воқеаларига холис баҳо беришдан кўра эски гина ва адоватлар учун марҳум одамдан ўч олишга уринишдан бошқа нарса эмас. «Шароф Рашидовчилик»нинг моҳияти ҳақидаги гаплар марказга ниҳоятда ёқди ва бу Р. Нишоновнинг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи котиби билиб тайинланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлса керак.

«Шароф Рашидовчилик»! Агар шундай оқим тўғрисида сўз юритиш лозим бўлса — бу ҳалоллик ва инсофлилик, халққа ва раҳбарларга ғамхўрлик, ҳамма ерда ахлоқ, одоб ва виждон билан иш юритишга ҳаракат қилиш, оғир шароитларда маҳорат, сабр-тоқат билан республика манфаатларини ҳимоя қила билишлик, беғиҳоя камтарлик, маҳаллийчилик ва миллатчиликка қарши курашиш, софдиллик, миллат тараққиёти ва манфаатлари билан боғлиқ бўлган йўллар ва имкониятларни тинимсиз излаш, халқнинг қорнини тўйдириш, устини бут қилиш, турмуш фаровонлиги ва маданиятини яхшилашга уриниш, Ўзбекистон фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун ҳаракат қилишнинг ифодаси эди.

Бир четда туриб ёки даврлар ўзгарганидан кейин бировларнинг ишига баҳо бериш осон. Лекин ўша вақтларда бирор ишни мустақил қилиш ҳам ниҳоятда қийин бўлганини ҳисобга олмоқ керак. Таҳқид қилишга, бировларни қоралашга устаси фаранг бўлиб кетган янги давр «қаҳрамон»лари ҳам йирик лавозимларни эгаллаб турган вақтларида миллат манфаатлари йўлида бирор ишни мустақил қила олмаганларини унутмасалар яхши бўлар эди.

Тўғри, Ш. Рашидов ҳар доим бехато ишлади, деб айта олмайман. Давр тақозоси ва марказ иродаси билан унинг фаолиятида, иш услубида маълум хатолар ҳам бўлган. Лекин унинг ижобий ва салбий томонларини тарозига солиб кўрсак, улуғлиги, инсоний олижаноблиги, ўзбек миллатининг ҳақиқий отахони бўлгани яққол кўзга ташланади.

«Шароф Рашидовчилик» ҳеч вақт фитначилик ва таҳқирлашнинг ифодаси бўлган эмас. Аксинча у доим фитначиликка қарши курашиб келди, ҳаёт даврига» деб бежиз айтмаган. Бировни бадном этишга уринишдан олдин ҳар ким виждон билан ўз қилмишини, ўтмишини ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди.

Р. Нишонов чет давлатларга элчи бўлиб кетган бўлсада бундан унинг ранжишига сира ҳам асос йўқ эди. Негаки, шовинизм беғиҳоятда кучайиб кетган ўша даврларда Ўзбекистондан СССР элчиси бўлиб хорижга бориш республика Компартияси Марказий Қўмитаси ,идеология бўйича котиби лавозимига нисбатан анча обрўлироқ эди. Бундан ташқари, унинг қандай сабаблар билан хорижга ишга юборилганини ҳам кўпчилик яхши билади. Бу ўринда ҳам таҳқирлаш ва таъқиб этишни эмас, балки Ш. Рашидовга хос бўлган инсоний олижаноблик, миллий кадрларга ғамхўрлик, маънавий қийин аҳволга тушиб қолган баъзи раҳбарларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш намунасини кўрамиз.

Ш. Рашидовнинг мунофиқлик ва иккиюзламачиликка асло алоқаси йўқ. Мунофиқлик — ғаразгўйлик, қора ниятлилик, бировни олдида мақтаб, орқасидан ёмонлашдир. Ш. Рашидов ҳамма гапнинг тўғрисини айтиб қўяберар, кишини орқасидан ивго қилишни ёқтирмас эди. У ўзидан олдинги республика раҳбарлари У. Юсупов, А. Ниёзов, Н. Муҳиддинов тўғрисида кўплаб яхши гапларни айтганини эшитганман. У. Юсуповнинг танланган асарларини нашр этиш ғояси ҳам Ш. Рашидовдан чиққанди. Лекин бирорта амалий иш қўлидан келмай катта мансабларга даъвогар бўлиб юрганларни эса у сира ҳам хуш кўрмасди.

Порахўрлик ва ўғрилик ҳам ўзбек халқига, Ш. Рашидовга бутунлай бегона хусусиятдир. Ўзбеклар инқилобдан олдин ўғирлик нима эканини билмаганлар. Очарчилик йилларида ҳам гуноҳдан қўрққан одамлар бировнинг мулкига асло кўз олайтирмаганлар. Ўғрилик деган касофат ўлкамизга фақат Октябрь инқилобидан кейингина ёпирилиб кириб келди. Кексаларнинг айтишича, ҳатто урушдан олдинги йилларда ҳам пора ва порахўрлик нима эканини камдан-кам одам билган, холос.

Ш. Рашидов Нишонов ва унинг ҳамтоқлари таъкидлаганидек, агар ўғри ва порахўр бўлганида ўзидан кейин фарзандларига каттакатта бойлик, ҳашаматли уйжойлар қолдирган бўларди. Ҳақиқатда эса унинг оиласига ҳеч қандай катта мерос қолган эмас. Бағритош, сурбет раҳбарлар 1985 йилда Ш. Рашидовнинг умр йўлдоши ва фарзандини яшаб турган уйидан чиқариб юбордилар. Кўчиб боришга бошқа бошпанаси бўлмагани учун она ва ўғил кўп йиллар кичик икки хонали квартирада яшаб келишди. Ш. Рашидовнинг ёнида доим бирга юрган одамларнинг айтишича, унинг чўнтагида ҳеч вақт ўн сўм ҳам пули бўлмаган. Бирор киши ҳали-ҳануз Ш. Рашидов пул тўплашга интилганини, молу дунёга ҳирс қўйганини, бировдан пора олганини айтиб беролмайди. В. Анишчев бошлиқ десантчилар Гдлян сингари муттаҳамларни ишга солиб, Ш. Рашидов устига бировдан пора олиш ёки пора бериш сингари айбларни қўймоқчи бўлдилар. Лекин турли ҳийла-найранглар, фирибгарликлар, маҳбусларга берилган ваҳшиёна азоблар ва кўрсатилган тазйиқлар бу борада бирорта бўлса ҳам далил топишга имкон бермади. Ҳалол одамни ҳаромга чиқариш муттаҳамларнинг қўлидан келмади.

Қўшиб ёзишлар ҳам «Шароф Рашидовчилик»нинг оқибати бўлган эмас. Бу иллатлар Ўзбекистондагина эмас, балки Советлар мамлакатининг ҳамма ерида ниҳоятда авж олиб кетган эди. Социалистик қурилишнинг «улуғвор» ютуқлари тўғрисидаги ташвиқотларнинг ҳаммаси ҳам қўшиб ёзишнинг яққол ифодаси бўлди. Қўшиб ёзишлар манфаатдорлик, ҳусусий мулкчилик, ишбилармонлик оёқ ости бўлиб кетган, ҳамма хўжакўрсинга иш қилишга ўрганиб кетган социалистик тузумнинг маҳсули эканлигини ҳаётнинг ўзи тўла тасдиқлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА содир бўлган қўшиб ёзишларда Ш. Рашидовни эмас, балки бутун сиёсий тузумни айбламоқ зарур. Социалистик тараққиёт йўлидан бориш асосий мақсад этиб белгиланган қайта қуриш йилларида ҳам қўшиб ёзишлар авж олса олдики, асло камаймади. Халқ хўжалигида маъмурий-буйруқбозлик усуллари сақланиб қолса, қўшиб ёзишлар бундан кейин ҳам давом этаверади.

Ш. Рашидовни манманлик ва мақтанчоқликда айблаш ҳам ниҳоятда адолатсизликдир. Ундаги камтарлик, ўзини кўкларга кўтаришни ёқтирмаслик бошқалар учун ўрнак бўладиган ажойиб фазилатлар. Кўпинча хушомадгўйлар, мансабпарастлар уни мақтаб, ишларини, асарларини кўкка кўтаришга ҳаракат қиларди. Айрим вақтларда Ш. Рашидов бундай ишлардан бехабар қолар, билганида эса бунга йўл бермасди. Яқинда ўзбек киносининг атоқли арбоби Малик Қаюмов Ш. Рашидовнинг камтарлиги, хушомадгўйларни ёқтирмаслиги тўғрисида бир неча мисолларни сўзлаб берди. Отахон устоз бу гапларни матбуот ёки телевидение орқали халқимизга етказса ёмон бўлмасди.

Ш. Рашидовнинг халқ ўртасидаги ҳалол обрўси ниҳоятда баланд бўлиб, у бировнинг ортиқча мақтови билан қўшимча обрў орттиришга муҳтож ҳам эмас эди. Олтин юлдузлар, орден ва медалларга келсак, бундай мукофотлар қайси раҳбарда йўқ эди, дейсиз. Ҳасадгўй ва хиёнатчи шахслар Ш. Рашидов вафотидан кейин унинг олтин юлдузлари ҳақидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини бекор қилишга ҳам ҳаракат қилдилар. Жиззах шаҳрида унга ўрнатилган ҳайкал ваҳшиёна вайрон қилинди. Бироқ Рашидовга нисбатан уюштирилган туҳмат ва бўҳтонлар бутун ўзбек халқини қоралаш мақсадида ташкил қилинаётганлигини кўра-била туриб бунга қаршилик кўрсата олмадик. Ўша даврларда Ўрта Осиё республикаларида биринчи даражали раҳбарлик лавозимида ишлаган бирор киши Ш. Рашидов сингари оёқ ости қилинмаганди.

Кадрлар танлаш борасида Ш. Рашидовга қўйилган айблар ҳам бутунлай асоссиз. эҳтимол, айрим ҳолларда баъзи лавозимларга танишбилишларни тайинлаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу ўринда Ш. Рашидовнинг иродасидан кўра жойлардаги лаганбардорларнинг ҳаракатлари кўпроқ роль ўйнагандир. Турли лавозимларга раҳбар тайинлашда таниш-билишликка эмас, балки кишиларнинг қобилиятига, тажрибасига, қандай ишларни қилишга қодир эканлигига аҳамият берилар эди. Ўзбекистондаги йирик раҳбарлик лавозимларида ишлаганлар орасида Ш. Рашидовнинг яқин қариндош-уруғлари кам эди. Лекин яқин бўлган айрим раҳбарлар ҳам асосан ўз ишининг усталари бўлган. У ҳаёт даврида туғишган укаларидан бирортасини ҳам йирик раҳбарлик лавозимларида ишлашига имкон бермади. Очиғини айтганда, собиқ Иттифоқдаги бошқа республикалар раҳбарларининг ўз атрофида қариндошларини, яқинларини тўплаб олиши оддий ҳолга айланганди. Кадр танлашдаги бундай сиёсат «Шароф Рашидовчилик» эмас, балки биринчи раҳбарларнинг қўлига чексиз ҳуқуқларни бериб қўйган, демократия ва ошкораликни бўғиб ташлаган бюрократик социалистик тузум ўрнатган сиёсатнинг оқибати эди. Бу касаллик қайта қуриш даврида ҳам очиқ намоён бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати марказий органлари бошлиқлари лавозимига М. Горбачев Ставрополдан, Е. Лигачев Челябинск ва Свердловскдан ўз кишиларини олиб келгани фикримизнинг яққол далилидир.

Йиллар ўтиши билан халқнинг Ш. Рашидовга бўлган ҳурмати орта борди. Энди кишилар Ш. Рашидов ким бўлганини, ўзбек халқи ва республика учун нималар қилганини яхши тушуниб олдилар. Унинг номини ўзбек халқи қалбидан, тарих саҳифаларидан ўчириб ташлаш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслиги аён бўлиб қолди. Ш. Рашидовнинг номини халқ ўз миллий қаҳрамони, табаррук отахони сифатида янада чуқурроқ ҳурмат билан тилга ола бошлади. Бу масалада ҳам ҳақиқат эгилди-ю, аммо синмади. Лекин Ш. Рашидовнинг оила аъзолари, яқинлари, дўстлари, уни чин дилдан ҳурмат қилувчи кишилар қалбида ҳеч бир шифокор даволай олмайдиган қаттиқ жароҳат изи қолдирди. Ш. Рашидовга нисбатан бўлган муносабат кимнинг ким эканлигини яққол кўрсатди.

Шулардан кўриниб турибдики, Р. Нишоновнинг «Шароф Рашидовчилик» ҳақидаги фикрлари янги «кашфиёт» эмас, балки ҳақиқий аҳволни тўла сохталаштиришга қаратилган бўҳтондир. Атоқли, истеъдодли олим, академик, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Пўлат Ҳабибуллаевга нисбатан уюштирилган фитна ҳам шу ишларнинг давоми эди. Булар мисолида халқимизнинг «ёлғоннинг умри қисқа», деган ҳикматли сўзи қанчалик тўғри эканлиги яна бир бор исботланди.

ҲОЗИРГИ кунда туҳмат ва маломат тошлари умумхалқ сайлови йўли билан демократик асосда сайланган республика Президенти И. Каримов устига ёғдирилмоқда. Бу ўринда ҳам жумҳурият ва халқ манфаатларини, мустақиллигимиз тақдирини ўйлашдан кўра ғаразгўйлик ва ҳокимиятпарастлик иллатлари устунлик қилаётганга ўхшайди.

Президент И. Каримов республика, миллат, мустақиллик тақдирини ўйлаб тинним билмай, ҳатто соғлиғини ҳам аямай меҳнат қилмоқда. Миллат ва тараққиёт тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги масъулиятли бурилиш даврида барча ватанпарвар кишилар четдан туриб таъна тошларини отиш ва гинахонлик қилиш ўрнига мушкул масалаларни ҳал этишда Президентга ва ҳукуматга яқиндан ёрдам кўрсатсалар айни муддао бўлур эди.

Мен Президентимизни, у олиб бораётган улкан, оғир, масъулиятли ишларни ҳимоя қилмоқчиман. Мустақилликка узоқ давом этган мустамлакачилик азоб-уқубатларидан кейин ниҳоятда оғир шароитларда қадам ташладик. Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳасида жуда катта қийинчиликлар мавжуд. Буларни бирданига ҳал этиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Президентимиз мустақил тараққиётимиз йўлида қўлидан келган ишларни қилмоқда. Ҳокимият тепасида ундан бошқа одам бўлганида ҳам бу ишлардан ортиқ ҳеч нарса қила олмас эди. Афсуски, четдан туриб туҳмат уюштираётган, таъна тошлари отаётганларнинг аксарият қисми ҳозиргача халқ учун жон куйдириб, бирор тайинли иш қилган кишилар эмас.

Агар халқимизнинг тақдири ана шундай шахслар қўлига ўтиб қолса, аҳволимиз қандай кечаркин?

Мен Ислом Каримовнинг ҳалоллигига, мардлигига, ниҳоятда ғайратли-шижоатли ва ишбилармон эканлигига ишонаман. Бунга ҳар кун, ҳар соатда гувоҳ ҳам бўлиб турибмиз. Республикани ҳозирги мушкул аҳволдан олиб чиқиш, албатта унинг қўлидан келади. Лекин мен файласуф сифатида шуни ҳам айтмоқчиманки, қадимги даврларда, подшолик саройида улар атрофида гирди-капалак бўлиб, бири чиндан ҳам садоқат билан хизмат қилган, бошқаси эса ўз ғаразли мақсадини амалга ошириш пайида юрган кишилар бўлганлар. Бундай «Мажидиддинлар» подшо учун ҳам, подшолик ва халқ учун ҳам ниҳоятда хавфли бўлишган. Улар ҳар бир дақиқадан ўз қора ниятлари йўлида фойдаланишга уринганлар. «Мажидиддин»лар мосланувчан бўлади. Ҳар кандай замонда ҳам, ҳатто бизнинг мустақил яшаётган кунларимизда ҳам улар пайдо бўлиши мумкин. Сўзи бошқа-ю, иши бошқа ана шундай «мажидиддин»ларга нисбатан ҳушёр туриш керак. Ҳаммамиз бирлашиб, четдан уюштирилаётган ғояларга, орамиздаги айрим экстремист ва мансабпарастлар ташкил этаётган хуружларга кўксимизни қалқон қилиб қарши туришимиз даркор. Бунинг учун орамизда бирлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллиқни, ҳамма ерда осойишталиқни, тинчликни таъминлаш зарур.

Эркин ЮСУПОВ,
академик.

● *Фермерлар ҳақида ҳикоялар*

ТЎКИНЧИЛИК ЙЎЛИДА

Баъзи кишилар бўладики, мол-ҳолсиз яшашни тасаввур этолмайдилар. Бу мол олиб, мол сотиш, кўпроқ фойда кўриш маъносида эмас. Асло. Бундай одамлар руҳий ёки жисмоний чарчаш пайтида молларни бир тутам ўт билан сийласа, суғорса, тиллашса чарчоғидан асар ҳам қолмайди. Турсун ота Жўраев ҳам шундайлардан. Ёши саксондан сакрабдики, чорвачилик билан шуғулланади. Уларга ем бермасдан ўзи нонуштага ўтиримайди. Қайси мол қачон туғилган, қайси қўй қачон йўталган, қайси бирига қанча озуқа берса қанчага семиради — ҳамма-ҳаммасини яхши билади. Шу боисдан бўлса керак, унинг ҳузурига маслаҳатга ошиққанлар кўп.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, отанинг ўғли Турғун Турсунов ҳам анчадан бери молсиз туролмаслигини тушуниб етган. Ўғлининг фермерлик ҳаракатига қўшилаётганидан қувонган ота ўзи бош бўлиб, зотли йигирма беш қўйни бозордан олиб берди. Юқори Чирчиқ районидаги «Дўстлик» (собиқ «Политотдел») жамоа хўжалиги билан Т. Турсуновнинг умр йўлдоши Рисолат Турсунова номига ёзилган ҳужжат асосида шартнома тузилди. Муддати ўн йил. Унда кўзда тутилишича, онлавий фермер хўжалиги йилига 900 килограмм гўштни колхозга топшириши керак. Қолганини келишилган нархда Юқори Чирчиқ тумани марказида сотиши мумкин. Лекин йигирмата қўйдан шунча гўшт олиш хомхаёллик бўларди. Шунинг учун бир нечта қорамол харид қилиш зарур эди. Қолаверса, онлада мол боқишга ишқибоз бўлган Тўланбой, Тўлқинбой, Мовлуда, Муяссар сингари ўғил-қизлар чорва озуқаси ғамлаш билан шуғулланишаётган эди.

— Ҳозирча йигирма бош қорамол олишинг керак, — маслаҳат берди Турсунбой ота ўғлига.

—Шунча пулни қаердан оламиз. Янгибозор банки қарз тариқасида зўрға ўн минг сўм пул ажратди, — дейди, хуноби ошган Турғун. — Мен камида эллик минг сўраган эдим. Бу пулга икки бошдан ошиқ бузоқ бермайди-ку!

— Ғам ема, болам, ёнингда мен борман, ошна-оғайни, қариндош-уруғ дегандай, қўллаб юборишар.

Шундан кейин Турғун олдида оғир вазифа кўндаланг бўлди, ҳадди сиққан таниш-ларидан қарз сўраш бошланди. Бири бажонидил берди, бири узрини айтди. Хуллас, йиғилган пулга Қозоғистондан ўн бир бош зотли бузоқ олиб келиб, парваришлаш қила бошлади. Ўтган йили шартномадаги гўшт топшириш режасини бажарди. Айни пайтда қорамоллар сони 23 бошга етди.

Ўттиз бошга яқин қўй, бир нечта отни боқишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Емсиз уларнинг этига эт қўшилиши қийин. Шу ташвишлар билан хўжалик бошқарувига, район фермер хўжаликлари уюшмасига қатнашини қўймайди. Тадбиркорлик кўрсатиб, бошқа республикалардан арзонроқ ем олиб келиб, ҳам уюшмага ёрдам бермоқчи, ҳам ўзи фойдаланмоқчи бўлади. Лекин бунга рухсат ололмайди. Шундай шароитда қандай қилиб чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириб бўлади?

— Яқинда бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида фермер хўжаликлари фаолиятига катта баҳо берилди, — дейди Т. Турсунов. — Зора, бундан кейин бу соҳага эътибор кучайтирилса. Агар Президент И. Каримов таъкидлаганидек, фермер хўжаликлари сони кескин кўпайтирилганида эди, эл дастурхонини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланган бўларди. Бизнинг мақсадимиз ҳам ана шу. Яқинда чорвачилик маҳсулотларига давлат харид нархларининг оширилганлиги чорва моллар туёғини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Мураккаб шароитларга қарамасдан ўз хўжалигини ривожлантириш ва шу йўл билан элимиз дастурхонини тўкин қилиш учун курашаётган Турғун Турсуновга ўхшаганлар оз эмас. Улар сони янада кўпайишига шубҳа йўқ.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Турсунбой ота Жўраев ўғли Турғун билан янги келтирилган бузоқларни кўздан кечирмоқда.

Суратқаш А. ТУРАЕВ.

МУШТАРИЙ МАКТУБИ

ЧИПТА ПУЛИНИ ТЎЛАШГА ТАЙЁРМИЗ

● Биз Бухоро шаҳрига қарашли сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликнинг энг узоқ қишлоқларидан бири — Дўламада яшаймиз. Шаҳардаги энг яқин автобус бекатигача масофа деярлик тўрт километр. Ҳар куни шунча йўлни бир неча марта яёв ўтишга тўғри келади.

Бундан бир неча йил муқаддам шаҳардаги 6-автобус парки раҳбарлари талабимизни инобатга олиб автобус ҳаракатини йўлга қўйган эдилар. Аммо бозор иқтисодиётига ўтилди-ю, автобус ҳам ғойиб бўлди.

Ҳеч ким бозор сиёсатини инкор этмоқчи эмас. Чипта пули қанча бўлса ҳам тўлашга тайёрмиз. Фақат 6-автобус парки раҳбарларига қарата «Бозор деб бизга озор бермang» дея эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Х. РАҲИМОВ,
З. АДИЗОВ,
Фрунзе номли сабзавотчилик хўжалиги меҳнат фахрийлари.

• *Табиатимиз—бойлигимиз*

ҚАФАСДАГИ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

● Термиз ҳайвонот боғи яқин-яқинга қадар шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири эди. Бироқ бугунги кунга келиб у ҳароб масканга айланди. Ҳайвонот боғи вилоят ўлкашунослик бўлимининг табиат бўлими сифатида 1936 йили ташкил этилган. Боғ кенгайди, ўсди, ўнди. Ўзининг бисоти билан тилга тушди. Республикадаги энг йирик ҳайвонот боғи деб эътироф қилинди. Жаҳоннинг тўрт бурчидан келадиган меҳмонларнинг томошагоҳига, сайргоҳига айланди.

ХОЗИР ҳам — шу. Боғни йилига ярим миллионга яқин табиат шинавандалари зиёрат қилишади. Бу ерда дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган 270 турдан кўпроқ жониворлар боқилмоқда. Шулардан 25 хил ҳайвон жаҳон «Қизил китоби» рўйхатида қайд этилган. Суматра, Бенгалия, Уссурия йўлбарслари, жанубий Америкадан келтирилган тапер, Австралия туяқуши, Прижевальск отлари, вазни етти тонна келадиган, ҳар бир ўмрови ҳаворанг тусга кирган адирни эслатувчи, бир ҳафсала қилганда чўроқ ҳовузнинг сувини симириб, томоғига оқизиб юборгувчи, унча-мунча темир бетон қотишма (блок)ларини хартумига илдириб олиб копток монанд ирғитувчи Ҳиндистон фили, ягуарлар, қоплонлар, айиқ полвонлар... Хуллас, кўрса, томоша қилса арзигулик маскан.

Лекин бу ерга келганлар ҳайвонот боғини эмас, темир, сим қафасларни кўрадилар. Қафасларни томоша қилгандай ҳис этадилар ўзларини, Саҳни нари борса саккиз-ўн квадрат-метр келадиган қафасдан ягуар жанубнинг 45 даража иссиғидан ўзини тўрдаги ёғоч катакка урган. Неча йилдирки, тор қафаса тушган бир жуфт қора айиқ ўзининг айиқлигини ҳам унутиб қўйгандир. Бу ерга келганлар сувсизликдан қурий бошлаган дарахатларни кўрадилар. Ҳайвонот боғининг сатҳи 24 гектар. Шу майдоннинг қарийб тенг ярми — «очилмаган қўриқ». Зироат экилмайди. Бор дарахтлар суғорилмайди. Ҳайвон боқилмайди. Бундан ўн—ўн икки йилча бурун шу «қўриқ»да одамлар чўмилишига мўлжалланган каттакон ҳовуз қурий бошлади. Бетон ишлари қилинди. Йирик-йирик плиталар бир-бирига уланди ва худонинг қайсидир бир кунида яхши ният билан бошланган иш ташлаб қўйилди.

Ҳайвонот боғи ходими Мусурмонқул Бекхонов «агар ҳовузни таъмирлаб сувга тўлдирилса, унга тор қафасда боқилаётган ўрдак, ғоз қўйиб юборилса, ёввойи товуқлар, ўрдаклар келтирилса, бу ҳайвонот боғининг энг сўлим, кўркам бурчагига айланарди. Бу ҳақда таклифларимизни айтяпмиз, лекин ҳасратимизни ҳеч ким тингламаяпти, — дейди куйиниб. Ҳайвонот боғининг директори Худойберди Маҳмудовнинг ҳасрати Мусурмонқулникидан ҳам ошиб тушди.

— Оғажоним, айтаверсам, гапим кўп, — дея гап бошлади у киши. — Саксон иккинчи йили боғимизга Шароф Рашидов келдилар. Ҳайвонот боғини тор қафасларга тиқиб ташлабсизлар-у, деди. Тегишли раҳбарларга таклифларини айтди. Жониворларга, дарахтларга меҳрибон бўлинглар, дея уқтирди. Шу гап туртки бўлиб москвалик лойиҳачилар айиқ, йўлбарс, маймун сақланадиган жойларнинг лойиҳасини чизиб беришди. Саксон олтинчи йилга келиб шу лойиҳа бўйича қурилиш бошланди. Ҳозир билсангиз, бутун жаҳонда камдан-кам учрайдиган қарийб йигирма-ўттизта айиқ сақлайдиган иморатимиз бор. Фақат айрим майда-чуйда ишлар ниҳоясига етмаганидан ундан фойдалана олмаяпмиз.

Биз Худойберди оға айтган ўша иморатни бориб кўрдик. Иморат лойиҳаси чиндан ҳам малакали мутахассис томонидан ишлангани кўриниб турипти. Бу ерда айиқ полвон учун барча шароитлар «муҳайё». Худойберди оға айтаётган «майда-чуйда» юмушлар эса айиқ қалъасини электрлаштириш, сув йўлини созлаш ва тайёр турган темир эшикларни ўрнатишдан иборат экан холос.

— Газетангизнинг бир нафи тегсин. Шу ишнинг жойидан қўзғалишига ёрдам қилинг, — дейди Ҳ. Маҳмудов. — Кўряпсизми, ҳали бошқа иморатлар ҳам қурилар деб бу ерларга зироат экмаяпмиз. Дарахт ўстирмаяпмиз...

Умид қилиб, бу ҳақда вилоят ҳокимиятининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Абдиманноп Зокиров билан гаплашдим. У ҳайвонот боғини обод қилиш юмушлари тўхтаб қолганидан афсусланганини билдирди. Бу хайрли ишни давом эттириш учун мутлақо имкон йўқ, деган фикрни ҳам айтди.

— Ҳайвонот боғи — маданият муассасаси ҳисобланади, — дейди А. Зокиров. — Маданият муассасаси қурилишига бу йил учун вилоятимиз бўйича 800 минг сўм ажратилган, холос. Маблағнинг йўқлигидан йигирмата мактаб ва 45 та тиббиёт муассасаси қурилишини, жумладан, ҳайвонот боғидаги ишларни ҳам тўхтатиб қўйдик. Фақат бир нарсани боғ теварагини бетон деворлар билан ўраб беришни ниҳоясига етказмоқни ваъда қилишимиз мумкин.

Сиз, газетхон, наҳотки ҳайвонот боғининг атрофи шу пайтгача ўраб олинмаган бўлса, деб ажабланманг. Бу рост. Яна бир гап бор. Яқинда Москвада чиқадиган газеталардан бири Термиз ҳайвонот боғидан йўлбарс қочди деган ваҳимали хабарни ёзди. Бу ёлғон. Энди рост хабарни айтай. Шу йил июнь ойининг охирларида боғдаги каттакон тут дарахти шамол таъсирида йўлбарслар сақланадиган қафаснинг ёнгинасига қулаб тушди. Мабодо у қафас тарафга қулаганидами устунлари чириб, омонатлашиб қолган қафасни ҳам қулатган бўларди. Кейин кўринг эди «томоша»нинг зўрини...

— Одамдаги яхши ишга бош қўшишга бўлган қунт, ҳафсала, ниятни ҳеч қачон камбағал ҳам, қиммат ҳам деб бўлмайди, — дейди кулиб Ҳ. Маҳмудов. — Тўғри, одамларнинг дастурхони енгиллашиб қолган ҳозирги шароитда «айиқларга ва йўлбарсларга замонавий бинолар керак» деб жар солишимизни ҳар ким ҳар хил тушунар. Лекин мен, одамзот учун ҳайвонларга меҳрибонлик кўрсатиш, меҳр-мурувватли бўлишнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Худойберди Маҳмудов турмушнинг баланд-пастини билган, девор бўлса ҳам кўчани кўра оладиган одам. Пўписа эмас, умиддан фойда дейди. Умидлари қачон амалга ошади... Буни тўғриси ўзи ҳам билмайди. Ҳокимиятдан илиқ гап кутади. Жаҳонга танилган ҳайвонот боғи дарвозасидаги бўёқлар эса кун сайин ўчиб боради. Нима бўлганда ҳам ўчиб қолмасин денг...

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛТИН МЕДАЛЛАР КЕЛАДИ

●БАРСЕЛОНА олимпиадаси қизғин паллага кирмоқда. Бугун олимпиаданинг еттинчи куни. Олимпиадачилар спортнинг 20 тури бўйича ўзаро баҳслашадилар. МДХ спортчиларининг бирлашган жамоаси ҳозирча ҳар жиҳатдан олдинда бормоқда. Спортчиларимиз жамоа ҳисобида хусусан, олтин медалларнинг кўплиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб туришибди.

Бирлашган жамоанинг бу муваффақиятига мустақил Ўзбекистон спортчилари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Жумладан, гимнастикачи қизларнинг жамоа биринчилиги учун мусобақасида тошкентлик Оксана Чусовитина, олмаликлик Розалия Галиева ўзларининг нафис ва нафосатли ҳаракатлари билан маҳорат кўрсатдилар. Халқаро мусобақаларда мухлису мутахассислар эътиборини қозониб, маҳоратларини тобига етказган бу спортчиларимиз олимпиаданинг кичик олтин медалларини она юртларига олиб келадиган бўлишди. Улар Ўзбекистоннинг 17 нафар спортчилари қатори: ютқларимиз мустақиллик байрамига, деб аҳд қилишган эди. Ўйлаймизки, гимнастикачиларимизнинг бу зафарлари бошқа спортчиларимизни ҳам руҳлантириб юборади. Боксчимиз Артур Григорян, оғир атлетикачи Сергей Сирцов ҳамда енгил атлетикачиларимиздан ҳам умидимиз бор. Гимнастикачиларимиз энди алоҳида машқлар бўйича ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

● СУЗИШ. Волгоградлик Александр Попов эркин усулда 100 метрга сузиш бўйича олимпиада чемпиони бўлди.

● КУРАШ. Дзюдочи Давид Хахалевишли ҳам ўзининг олтин медали билан бирлашган жамоа мавқеини мустаҳкамлади.

● ЭСТАФЕТА. 4х200 метрга эстафетали сузишда МДХ спортчиларидан Дмитрий Лепиков, Владимир Пишненко, Вениамин Таянович ҳамда Евгений Садовийлар маррада биринчи бўлишди.

● МЕРГАНЛИК. Милтиқдан нишонга олишда Ю. Федкин ғолиблик супасига кўтарилди. Тўппонча отиш бўйича Сергей Пижянов кумуш медалини қўлга киритди.

Тошкент шаҳар Шайҳонтаҳур районининг Жарариқ мавзесидаги 229-болалар боғчасида йил бошидан буён 24 гуруҳга бўлинган кичкинтойлар жамоаси тарбияланмоқда. Пойтахтдаги намунали болалар масканларидан бири ҳисобланган боғчада кичкинтойларнинг тарбиялашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ота-оналар эса бундан бағоят хурсанд. Боиси, Ойниса опа Солиҳова мудирлик қилаётган ушбу жамоада мураббия ва тарбиячилар болаларни тарбиялашдек нозик ва ўта масъулиятли ишни сидқидилдан, ташаббускорлик билан бажаришга даъват этилганлигидадир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

• ШАХМАТ ОЛАМИДА

РОБЕРТ ФИШЕР МАЙДОНГА ТУШМОҚДА

● Машинадан тушган кишини кўпчилик танимади. У серсоқол, баланд бўйли, сочлари ўсган бўлсада, қадамлари шахдам эди. Одамлар уни танишганида вақтни бой бермай дастхат олиб қолишга чоғланган бўлардилар. Чунки у, 70-йилларда шахмат оламида довруғ таратган собиқ жаҳон чемпиони Роберт Фишер эди.

Машҳур шахматчи яна дона суришга шайланиб турибди. У Парижда истиқомат қилиб турган собиқ СССРнинг собиқ фуқароси Борис Спасский билан бахс юритишга шартнома тузди. Хўш, Фишернинг яна шахмат оламига қайтишига, 20 йиллик танаффусдан кейин яна Югославия мамлакатини танлашга нима мажбур қилди? Аввало, Фишер ўзининг шахматдаги довруғ таратишларини шу диёрда бошлаган. Балки, ўзининг ўн етти баҳорни қаршилаган чоғларини яна бир хотирламоқчидир. У ёгини сўрасангиз биркам 50 га кирган Фишер уйланиш тараддудида. «Кекса» бўйдоқ асли келиб чиқиши Венгриядан бўлган америкалик, 19 ёшли хонимга ихлос қўйиб турибди.

Зеро, бундай ўзига хос шов-шувга сабаб бўладиган шахмат учрашувини ўтказишдан кўзланган мақсад бошқага ўхшайди. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, Фишер учрашувда ғолиб чиқиб, мукофот пулини олиб, тўй ҳозирлигини кўриш ниятида. Белграддаги «Югосандич» банкининг эгаси Иежимир Васильевич мукофот совғини учун аввалига 10 миллион ваъда қилган эди. Кейинги хабарларга қараганда, 5 миллион атаганга ўхшайди. Ғолиб шахматчи шу мукофотнинг 3,35 миллион долларини қўлга киритади. Мағлуб томон салкам 2 миллион долларлик бўлади. Лекин банк соҳиби борди-ю жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Фишер билан ўйнашга розилик берадиган бўлса, мукофот пулини 10 миллион қилмоқчи эканини маълум бўлди. Фишер эса ўзига нисбатан ҳамон талабчан: биронта мухбирни ҳам, шарҳловчини ҳам суҳбатига эҳтиёжи йўқлигини билдирмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларининг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84х108 1/32, 84х108 1/16, 70х108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60х45 дан 90х120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар:

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг. Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларни тайёрлаш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача.
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача;

Қлише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

ШАҲАР КЎЗГУЛАРИ

ҚАЙСИ ВОҲА ВОКЗАЛИ?

Ҳадемай жумҳуриятимиз мустақиллигининг қутлуғ бир йиллигини нишонлаймиз, байрам қиламиз. Шубҳасиз, ана шу тўй-ю тантаналарда қўшни республикалардан, чет эллардан ҳам кўплаб меҳмонлар иштирок этишади. Уларни Тошкент дарвозалари — аэропорт ва вокзалларда кутиб оламиз. Хўш, ташқаридан ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ана шу масканларнинг ўзига хослиги яққол кўзга ташланадими, сезиладими?

ТОШКЕНТНИНГ темир йўл дарвозаси бўлиб келган, ҳозир эса асосан узоқ ғайри юртларга қатновчи йўловчиларга хизмат қилишга ажратилган «Шимолий» вокзалда яқин орада бўлганмисиз? Поездда ҳар икки томондан кириб келишингизда сизни вокзал биноси тепасидаги бузиб ёзилган «Ташкент» сўзи қарши олади. Вокзал майдончасига тушаётиб, жўнаб кетишга шайланаётган поездлар тўғрисида ахборот берувчи иккита кичик электр тахтага, бино ичига кираётганингизда эса, «Хуш келибсиз, Тошкент шаҳрига!», «Добро пожаловать в город Ташкент!» шиорига, русчаси устун, ўзбекчаси иккинчи даражали қилиб ёзилган «Вокзал бошлиғи», сал нари бориб, худди шундай тарзда битилган «Оналар ва болалар хонаси» кўрсаткичларига дуч келасиз. Эшиклардаги «кириш», «чиқиш» деган ёзувларни иноватга олмаганда, бутун вокзал биносининг ичи ва ташқарисидаги бор-йўқ ўзбекча маълумотлар шулардан иборат. Бошқа ҳамма нарса — вокзал раҳбарлари эшикларидаги лавҳалардан тортиб, бино ҳовлисидаги қаҳвахона таомларининг номлари-ю, меҳнат биржасининг ҳамда станциянинг ишга таклиф қилувчи эълонларигача барчаси фақат рус тилида. Ноқулай бўлса ҳам айтиш лозимки, ҳатто ҳамма табиий эҳтиёж билан чиқиб келадиган жой қаерда эканлиги бир чеккада майда ҳарфлар билан русча ёзиб қўйилган. Зарурат юзасиданми ёки тасодифанми бу ерга келиб қолган олис қишлоқлик ўзбекнинг аҳволи не кечишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Вокзалнинг асосий биносидан сал нарида жойлашган чипталар сотиш кўшкида ташкилот раҳбарининг шахсий жонкуярлиги ва ташаббуси билан йўловчилар ҳақ-ҳуқуқларига доир анчагина ахборотлар ўзбек—рус тилларида ёздирилибди. Лекин бу иш шунчаки ҳаваскорлик даражасида, яъни матнлар таржимаси ниҳоятда нўноқ, ғализ ва кўплаб имло хатолар билан амалга оширилган. Уларни ўқиган ҳар қандай ўзбекнинг кўнгли ўксиши, бошқалар эса, ўзбек тилини нотўғри қабул қилиши аниқ.

Тошкент йўловчилар ташиш станцияси ва унга қарашли иккита вокзалда ишловчиларнинг ярми хизмат вазифаларини бажариш даражасида ҳам давлат тилида муомала қила билмайдиган кишилардан иборат. Шундайлар учун ташкил этилган олти ойлик тил сабоқларида 45 киши таълим олган. Лекин баъзи бировлар қайта-қайта ўқишларига қарамасдан, уларга сарфланаётган маблағ, вақт ҳайф кетяпти. Станция ҳамда вокзалнинг идора ишларида ҳали ҳам рус тили тўлиқ ҳукмронлик қилиб келаётганлиги сабабли йўловчилар билан ўзбек тилида бемалол муомала қилолмаётган ходимларга бошқа ишлар таклиф қилишга ҳеч ким ботинмаяпти. Айрим чипта сотувчилар тил билмаганликларидан ташқари ўзбек тилида мурожаат қилганларга ўта муросасиз, қўпол муносабатда бўлишади. Биз вокзал бошлиғи Тўхтасин Мирзаевнинг бевосита иштирокида бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Тошкент темир йўл станциясида ва унга қарашли вокзалларда бирорта ҳужжат ўзбекча ёзилмайди: барча буйруқ ва фармойишлар, кўрсатмалар, мажлисларнинг қайдномалари, ҳисоб-китоб ишлари, турли ёзишмалар (ўзбекча шикоятларга жавоблардан ташқари) ҳаммаси рус тилида. Бунинг асосий сабаби қарийб 900 га яқин ходими бўлиб, шуларнинг аксарият кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган кишилардан иборат Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг (бошлиғи В. М. Желтоухов) ҳамда унга қарашли 220 га яқин ходимдан ярми рус забон мутахассислардан ташкил топган Тошкент бўлимининг (бошлиғи Р. Қ. Зоҳидов)дабдабали бошқарув лашган бошқа миллатлар билан ҳам муомала қилишлари билан оқламоқчи бўладилар. Аслида эса бу шунчаки баҳона холос. Асосий масала — шу идораларда ўзбек тилида иш юрита оладиган етук мутахассислар камлигида. Йўқса, фақат Ўзбекистон ҳудудидаги темир йўлчилар, айниқса, станция ва вокзалларнинг жамоалари билан тўлиқ ўзбек тилида муомала қилаверса бўларди.

Суҳбатларимизда ходимлар маҳаллий миллат вакилларидан яхши мутахассислар етишиб чиққанликларига қарамасдан, бошқармага ўрнашиб, ҳеч асоссиз равишда катта маошлар олиб ўтирган кишилар уларни муҳим жабҳаларга, раҳбарлик, идора ишларига яқин йўлатмаётганликларидан нолиб гапирдилар. Юқори, бевосита раҳбар идоралар шундай йўл тутишгач, қуйи тобе ташкилотлар бу ишга дадил киришишга ҳадиксирашлари аниқ. Зеро, бундай қўрқиш ҳисси Тошкент станцияси ҳамда вокзаллари раҳбарлари ва жамоаларининг тил соҳасидаги фаолиятида яққол сезилиб турибди. Тепада худди шундай тил билмас оғалари ўтирганда, пастдаги укасингилларига тил сабабли тегиниш ноқулай.

Шу боисдан бизнинг энг оддий, жўн таклиф-мулоҳазаларимизга, саволларимизга ҳам «Қандай бўларкан?» деган маънода гумонсираб муносабат билдиришди.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ва Тошкент бўлимидаги аҳвол бунга жуда яхши изоҳ бўла олади. Жумҳуриятимизда тил тўғрисидаги Қонун кучга кирганига уч йил бўляпти. Шунга қарамасдан бу масала фақат 1992 йил 4 майга келиб бошқарма ҳайъати мажлисида кўриб чиқилиб, зарур тадбирлар, уларнинг ижроси учун масъул кишилар белгиланди. Буни қарангки, ўзбек тилини жорий этиш тўғрисидаги мажлис ҳам, унинг қайдлари ҳам рус тилида олиб борилган. Ҳайъат қарори май ойи охирларида яна русча жўнатилганлиги ундан ҳам қизиқ ҳангома, латифа деса бўлади. Бундай ҳужжатни ўқиган ҳар қандай киши: «Ўзбек тилини жорий этиш тўғрисида қарийб уч йилдан кейин, тағин рус тилида кўрсатма бериляптими, демак, бирор «сир» бўлса керак, раҳбар ташкилотимиз Қонунни аксига олиб амалга ошираётган экан, бизга ҳам шу — бажарсак-бажармасак барибирга ўхшайди», — деган хулоса чиқаришга ҳақли.

Темир йўлчилар нашри бўлган «Среднеазиатская магистраль» рўзномаси ҳали ҳам фақат рус тилида (ҳафтасига уч марта) чиқиб турибди...

«Шимолий» вокзалдан шаҳарга чиқишингиз билан юртимиз тарихида мудҳиш саҳифалар қолдирган 14 Туркистон комиссарини шарафловчи маҳобатли ёдгорлик мангу машъаласи билан сизни қарши олади. Ёдгорликнинг ҳар икки томонидаги кўп қаватли уйлар тепасида узала ўрнатилган ёнувчи русча «Ташкент — город мира и дружбы» ва «Ташкент приветствует гостей» шиорлари гўё қўш қанот бўлиб, унга яна ҳам юксакроқ парвоз бағишлаётгандек туюлади. Обиданинг бир ёнида барча ёзувлари рус тилида бўлган ҳарбий универмаг жойлашган. Иккинчи ёнида Тошкент меҳнат биржаси бутун ойнаванд биноси бўйлаб йирик ҳарфлар билан «Трудоустройство населения» ёзуви остида жойлаштирилган барча эълонларида фақат руси забон аҳолини ишга чорлайди. Вокзалга кўндаланг тушган темир йўл бошқармаси Тошкент бўлимининг биносида ҳам кўпчилик ёзувлар ё фақат рус тилида ёки ўзбек—рус тилларида. Хуллас, Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, унинг бош дарвозаси бўлган «Шимолий» вокзалнинг ичкариташқариси, теварак-атрофи Ўзбекистондан кўра Русия шаҳарларини эслатиб турибди. Бу кимга қувонч-у, кимга ғам-андуҳ бағишлаши ўзўзидан аён.

Шариф ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги таржима ва адабий алоқалар марказининг масъул котиби.

Пахта савдоси билан шуғулланувчи фирмага

ВАКИЛЛАР КЕРАК

Республикамизнинг барча регионлари буйича пахта топиш имконияти бўлган, ҳамда ўзини биз билан ҳамкорлик қилишга лойиқ деб билган барча корхона ва шахсларни (3712)39-11-10 телефонига қўнгироқ қилишни таклиф қиламиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика саноат паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси «Ўзбекистон» паррандачилик бирлашмаси бош директори З. Х. Хўжаевга онаси

Шарофатхон ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ,ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик -саноати — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ- одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г — 217.
№ 149.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.